

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚАХҲОРОВ ОТАБЕК СИДДИҚОВИЧ**

**ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ИҚТИСОДЧИ КАДРЛАРНИ**  
**ТАЙЁРЛАШНИНГ БОШҚАРУВ МЕХАНИЗМИНИ**  
**ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**  
**(Бухоро вилояти мисолида)**

**08.00.13 – Менежмент**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2017 йил**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
экономическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) in  
Economic Sciences**

**Қахҳоров Отабек Сиддиқович**

Таълим тизимида иқтисодчи кадрларни тайёрлашнинг бошқарув  
механизмини такомиллаштириш (Бухоро вилояти мисолида) ..... 3

**Каххоров Отабек Сиддиқович**

Совершенствование механизма управления подготовки  
экономических кадров в системе образования (на примере Бухарской  
области) ..... 23

**Kakhkhorov Otabek Siddikovich**

Improvement of the management mechanism of economic personnel  
training in the education system (on the example of Bukhara region) ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 47

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚАХҲОРОВ ОТАБЕК СИДДИҚОВИЧ**

**ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ИҚТИСОДЧИ КАДРЛАРНИ**  
**ТАЙЁРЛАШНИНГ БОШҚАРУВ МЕХАНИЗМИНИ**  
**ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**  
**(Бухоро вилояти мисолида)**

**08.00.13 – Менежмент**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2017 йил**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Iqt 237 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус) веб-саҳифанинг [www.tdiu.uz](http://www.tdiu.uz) ҳамда «Ziynet» ахборот-таълим порталида [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) манзилига жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Навруз-Зода Бахтиёр Негматович</b> иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Ғуломов Саидахроп Саидахмедович</b> Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, иқтисодиёт фанлари доктори <b>Нуримбетов Равшан Ибрагимович</b> иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси</b>

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 201\_\_йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: [tdiu@tdiu.uz](mailto:tdiu@tdiu.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (\_\_\_\_рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72.

Диссертация автореферати 201\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(201\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Б.Ю.Ходиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**А.Н.Самадов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент

**М.А.Маҳкамова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида иқтисодчи кадрларни тайёрлашга бўлган талаб миқдор ва сифат жиҳатидан ортиб бормоқда. Рақобат муҳити кескинлашуви, илмий тадқиқотлар самарадорлигини ва янги билимларни эгаллаш, иқтисодчи кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан ошириш, илғор инновацияларни тезкор амалиётга жорий этиш, замонавий билимларни иқтисодий ўсишнинг асосий омилига айлантириш барча ривожланган ҳамда ривожланаётган мамлакатларнинг бугунги кундаги энг муҳим вазибалари ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган таълим соҳасидаги ислохотлар доирасида малакали иқтисодчи кадрлар тайёрлаш масалалари, хусусан, ҳудудларда ўрта махсус касб-хунар таълими тизимида (ЎМКХТТ) ва олий таълим муассасаларида (ОТМ) иқтисодий йўналиши бўйича кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилди. Шу билан бирга, бугунги кунда таълим соҳасида ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжуд бўлиб, битирувчиларни иш билан таъминлаш, олий ва ўрта махсус маълумотли иқтисодчи кадрлар тайёрлаш тизими бошқарувини самарали ташкил этиш ва такомиллаштириш муҳим масалалардан биридир. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш, янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳолининг, энг аввало ўрта махсус ва олий ўқув муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш»<sup>1</sup> бўйича муҳим вазибалар белгилаб берилган. Мазкур вазибаларнинг самарали ижроси мамлакатимизда иқтисодчи кадрлар тайёрлашда бошқарув механизмининг такомиллаштиришни талаб этади.

Жаҳон таълим стандарти талаблари асосида иқтисодчи кадрлар тайёрлаш ва бошқарувини тизимли равишда ташкил этиш, таълим муассасалари фаолият самарадорлигини ошириш, иқтисодчи кадрлар тайёрлашда замонавий бошқарув усуллари татбиқ этиш мамлакат иқтисодий тараққиётини таъминлаш имконини берувчи илмий тадқиқотларни амалга оширишни талаб этмоқда. Шу жиҳатдан, мамлакатимиз таълим тизимида иқтисодчи кадрлар тайёрлашнинг бошқарув механизмининг такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар олиб бориш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармонининг 1-илоvasи «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси». www.lex.uz.

тўғрисида»ги, 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сонли «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ҳамда 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 22 майдаги 304-сонли «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқлари иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2011 йил 20 майдаги ПҚ-1533-сонли «Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазибаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Таълим тизимида иқтисодчи кадрлар тайёрлашни бошқаришнинг илмий-назарий жиҳатлари кўплаб хорижий олимлардан W. Stock, J. Siegfried, A. Finegan, L. Maureen, G. Pettersson, P. Drucker, M. Мескон, М. Альберт, Ф. Хедоури, Т. Саати ва бошқаларнинг бошқарувга доир илмий-тадқиқот ишларида ёритилган<sup>2</sup>.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларидан В.И. Марцинкевич, И.В. Соболева, С.А. Дятлов, Н.П. Литвинова, Л.И. Якобсон, Т.И. Шамов, П.И. Третьяков, В.В. Глухов, А.В. Тебенкин, А.Н. Асаул, М.В. Никитин, А.Н. Боева<sup>3</sup> каби олимларнинг илмий ишлари таълим тизимини такомиллаштириш масалаларини тадқиқ этишга бағишланган.

---

<sup>2</sup> Stock, Wendy A., Siegfried, John J., and Finegan, Aldrich (2011) «Completion Rates and Time-to-Degree in Economics Ph.D. Programs». American Economic Review Papers and Proceedings 101 (3) (May): 176-188; Lewis, Maureen A., Gunilla Pettersson. (2009) Governance in Education: Raising Performance. Washington, DC: The World Bank.; Peter F. Drucker, «Anew Discipline», Success! January-February 1987, p.18.; Мескон М., Альберт М., Хедоури Ф. Основы менеджмента // пер. Л. И. Евенко. - М.: Дело, 1997. – 704 с.; Саати Т.Л. Принятие решений при зависимостях и обратных связях. Аналитические сети. – М.: ЛКИ, 2008.

<sup>3</sup> Марцинкевич В.И., Соболева И.В. Экономика человека. – М.: 1995, 47 с.; Дятлов С.А. Экономика образования в условиях переходного периода. – СПб., 1995, 186 с.; Литвинова Н.П., Шереметова В. Маркетинг образовательных услуг – СПб.: 1993, 320 с.; Якобсон Л.И. Экономические методы управления социально-культурной сферы – М.: 1991, 176 с.; Шамов Т.И., Третьяков П.И. Управление образовательными системами. - М., 2011, 319 с.; Глухов. А.В. Экономика и организация управление вузом, СПб, 1999, 447 с.; Тебенкин А.В. Методы принятия управленческих решений. – М.: 2013.,572 с.; Асаул А.Н. Управление высшим учебным заведением в условиях инновационной экономики. – СПб.: 2007, 280 с.; Никитин. М.В. Модернизация управления развитием образовательных организаций. Монография. – М.: 2001. – 221 с.; Боева А.Н. Оценка и пути повышения эффективности образовательной деятельности государственных высших учебных заведений: автореф. дис. ... канд. экон. наук. – Владивосток, 2011. - 23 с.

Мамлакатимиз олимларининг тадқиқотларида ҳам таълим хизматлари бозорини ривожлантириш масалаларининг айрим жиҳатлари ўрганилган. Хусусан, Б.Ю. Ходиев, С.С. Ғуломов, А.Н. Романов, Р.К. Алимов, В.С. Торопцов, К.А. Алимов, Б.А. Бегалов, Д.Б. Григорович, Ш.Э. Қурбонов, Э.А. Сейтхалилов, Қ.Х. Абдурахмонов, М.Х. Саидов, Г.К. Ахунова, А.Ш. Тешабоев, А.С. Кучаров, А.О.Эргашев, Д.Х. Набиев, Ш.Ш. Заҳидова, Қ.Қ. Қуролов, Б.Н. Навруз-Зода<sup>4</sup> ва бошқаларнинг илмий ишларида ўрганилган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот Бухоро давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-2-24(24-48) «... меҳнат муносабатлари ва маҳсулот етиштиришни молиялаштириш механизмларини такомиллаштиришга оид меъёрий ҳужжатлар тўпламини яратиш» (2012-2016 йй.) лойихаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими ҳамда олий таълим муассасаларида иқтисодчи кадрларни тайёрлашнинг бошқарув механизмини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

таълим тизимида иқтисодчи кадрлар тайёрлаш бошқарув механизмнинг назарий-услубий асосларини ўрганиш;

иқтисодчи кадрлар тайёрлашни бошқариш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибаларини ўрганиш;

таълим тизимида иқтисодиёт йўналишидаги кафедралар бошқарув жараёни самарадорлигини интеграл баҳолаш услубини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

таълим тизимида иқтисодчи кадрлар тайёрлаш бошқарув самарадорлигининг иқтисодиётга таъсирини баҳолаш;

---

<sup>4</sup> Ходиев Б.Ю. Олий иқтисодий таълим тизими учун замонавий ўқув адабиётлар яратиш: янги стандарт талаблари, тузилиши, мазмуни. - Т.: ТДИУ, 2005.- 168 б; Ғуломов С.С., Ходиев Б.Ю., Романов А.Н., Алимов Р.К., Торопцов В.С., Алимов К.А., Бегалов Б.А., Григорович Д.Б. Дистанционное экономическое образование. - Т.: Шарк, 2004, - 203 б.; Қурбонов Ш.Э., Сейтхалилов Э.А. Таълим тизимини бошқариш. - Т.: «Турон-Иқбол»: 2006. - 592 б.; Абдурахмонов К.Х. и др. Современный менеджмент и реформирование системы образования в Узбекистане. - Т.: Изд-во РЭА им. Г.В. Плеханова. - 2005. - 240 с.; Саидов М.Х. Олий таълим менежменти ва иқтисодиёти. - Т.: Молия, 2002, -169 б.; Ахунова Г.К. Таълим хизматлари бозорида маркетинг фаолияти ва уни такомиллаштириш, Иқт.ф.д. ...дисс. автореф. - Т.: ТДИУ.; Тешабоев Т.З. Олий ўқув юрларида инновацион фаолиятни такомиллаштириш йўллари. - Т.: Фан ва технология, 2007. 129 б.; Кучаров А.С. Тадбиркорлик соҳаси учун олий маълумотли мутахассисларни тайёрлашда бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий омилларини такомиллаштириш, Иқт.ф.д. ...дисс.автореф. - Т.: 2006; Эргашев А.О. Таълим тизимининг иқтисодий бошқарув асосларини такомиллаштириш (ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимисолида). Иқт.ф.н. ...дисс. автореф. - Т.: ТДИУ, 2006.; Набиев Д.Х. Совершенствование управления маркетингом образовательных услуг в условиях модернизации экономики. Автореф. ... докт. эконом, наук. - Т.: ТДИУ, 2009.; Заҳидова Ш.Ш. Олий таълим хизматлари бозорининг амал қилиш механизми самарадорлиги ошириш (Ўзбекистон материаллари асосида). Иқт.ф.н. ...дисс. автореф. - Т.: ТМИ, 2012.; Қуролов Қ.Қ. Бозор муносабатлари шароитида иқтисодий таълим тизимининг такомиллашуви қонуниятлари. Иқт.ф.д. ...дисс. автореф. - Т.: ТДИУ, 2017; Навруз-Зода. Б.Н. Ўзбекистонда олий таълим тизимида сифат таъминоти. - Т: Xarizma design, 2008. - 245 б.

худудда иқтисодчи кадрлар тайёрлаш жараёни бошқарув тузилмасини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

битирувчиларнинг ишга жойлашиш ва олий таълим муассасаларига ўқишга киришлари ҳисобидан иқтисодиётдаги фаол аҳоли жон бошига ялпи худудий маҳсулотга таъсирини баҳолаш бўйича прогнозлар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** бўлиб, Бухоро вилоятида иқтисодчи кадрлар тайёрловчи ўрта махсус касб-ҳунар таълим тизими ҳамда олий таълим муассасалари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети**ни Бухоро вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълим тизими ва олий таълим муассасаларида иқтисодчи кадрлар тайёрлашни бошқариш ва уни такомиллаштириш жараёнида юзага келадиган ташкилий-иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида тизимли ёндашув, таҳлил ва синтез, статистик гуруҳлаш, қиёсий таҳлил, эксперт баҳолаш, корреляцион-регрессион таҳлил, прогнозлаш каби усуллар қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

таълим тизимида иқтисодиёт йўналишидаги кафедралар бошқарув жараёни самарадорлигининг интеграл баҳолаш услубини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

Бухоро вилояти таълим тизимида иқтисодчи кадрлар тайёрлашнинг бошқарув самарадорлиги ва уларнинг иқтисодиётга таъсири баҳоланган;

худудда иқтисодчи кадрлар тайёрлаш жараёнидаги бошқарув тузилмасини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими битирувчиларнинг ишга жойлашиши ва олий таълим муассасаларига ўқишга кириши ҳисобидан, иқтисодиётдаги фаол аҳолининг ялпи худудий маҳсулотга таъсирини баҳолаш истиқболлари асослаб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

таълим тизимида иқтисодчи кадрларни тайёрлашнинг бошқарув механизмини такомиллаштириш ҳамда иқтисодиёт йўналишида кафедралар рейтингини аниқлаш методикаси асосида олий таълим муассасаларидаги кафедраларнинг устуворликлари аниқланди;

Бухоро вилояти таълим тизимида иқтисодчи кадрларни тайёрлашнинг бошқарув самарадорлигини ошириш нуқтаи назаридан худудлар иқтисодиётини ривожланиш даражасига таъсир этувчи омиллар баҳоланди;

худудда иқтисодчи кадрлар тайёрлаш жараёни бошқарув тузилмасини такомиллаштириш негизида фан, таълим ва ишлаб чиқариш билан ўзаро алоқасини кенгайтириш имкониятлари аниқланди;

битирувчиларнинг ишга жойлашиши ва олий таълим муассасаларига ўқишга киришлари ҳисобидан, худудлар иқтисодиёти ривожланишининг истиқболлари асослаб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, назарий маълумотлар расмий манбалардан олинганлиги, берилган илмий-назарий таклиф ва тавсиялар амалда синовдан ўтказилганлиги, ишлаб чиқилган эконометрик



моделларнинг амалиётга жорий этилганлиги ва натижаларнинг давлат органлари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларини илмий аҳамияти шундаки, таълим тизимида иқтисодчи кадрлар тайёрлаш стратегиясини ишлаб чиқиш, бошқарув жараёни самарадорлигини ошириш ҳамда бошқарув механизмини такомиллаштириш, иқтисодчи кадрлар тайёрлаш жараёнини самарали ташкил этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда мақсадли дастурлар шакллантирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, таълим тизимида иқтисодчи кадрлар тайёрлашни бошқарув усуллари, тамойиллари, мезонлари, механизми бўйича олинган хулоса, назарий билимлардан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида, Бухоро давлат университетида, Бухоро муҳандислик-технология институти ва Бухоро вилояти ўрта махсус касб-хунар таълим тизимида ўқув дастурлари, ўқув-услубий мажмуалари, маърузалар матни, ўқув қўлланмалар ва дарсликлар тайёрлашда қўлланилиши мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Таълим тизимида иқтисодчи кадрлар тайёрлашнинг бошқарув механизмини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

таълим тизими иқтисодиёт йўналишидаги кафедралар бошқарув жараёни самарадорлиги, интеграл баҳолаш услубини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фаолиятига жорий этилган (Вазирликнинг 2017 йил 1 ноябрдаги 89-03-3080-сонли маълумотномаси). Ушбу такомиллаштирилган интеграл баҳолаш услубини қўллаш натижасида бошқарув жараёнига таъсир этувчи омиллар аниқланди, кафедраларнинг ўқув-методик, илмий-тадқиқот ва маънавий-маърифий ҳамда ташкилий-иқтисодий фаолиятини бошқариш самарадорлигини ошириш имконини берди;

Бухоро вилояти таълим тизимида иқтисодчи кадрлар тайёрлаш бошқарув самарадорлиги, иқтисодиётга таъсирини ўрганиш бўйича берилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фаолиятига жорий этилган (Вазирликнинг 2017 йил 1 ноябрдаги 89-03-3080-сонли маълумотномаси). Мазкур янгиликнинг амалиётга жорий этилиши вилоят ЎМКХТТ иқтисодиёт йўналишидаги ҳар бир ишга жойлаштирилган битирувчининг бир бирликка кўпайиши иқтисодиётда фаол аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ҳудудий маҳсулот(ЯҲМ) ишлаб чиқаришни 2,32 бирликка ошириш имконини берди;

иқтисодчи кадрлар тайёрлаш бошқарув тузилмасини такомиллаштириш бўйича берилган илмий таклифлар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фаолиятига жорий этилган (Вазирликнинг 2017 йил 1 ноябрдаги 89-03-3080-сонли маълумотномаси). Мазкур илмий янгиликнинг амалиётга жорий этилиши ҳудудда таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, ҳудудларнинг талаб ва эҳтиёжидан келиб чиқиб, таълим йўналишини танлаш ва қабул квоталарини шакллантириш имконини берди;

Вилоят ЎМКХТТ битирувчилари ишга жойлашиши ва олий таълим муассасаларига ўқишга киришлари ҳисобидан, иқтисодиётдаги фаол аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯХМга таъсирини баҳолаш истиқболлари бўйича берилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида маълумот учун қабул қилинган (Вазирликнинг 2017 йил 1 ноябрдаги 89-03-3080-сонли маълумотномаси).

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 11 та Республика илмий-амалий анжумлари муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 54 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, 1 та ўқув-услубий қўлланма, 1 та илмий рисола, 3 та муаллифлик гувоҳномаси, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий журналларда 22 та илмий мақола, шундан 15 та республика ва 7 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган бўлиб, умумий ҳажми 125 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Таълим тизимида иқтисодчи кадрлар тайёрлашни бошқаришнинг назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида таълим тизимида иқтисодчи кадрлар тайёрлашни бошқаришнинг мақсад ва вазифалари, иқтисодчи кадрлар тайёрлашни самарали бошқариш бўйича назарий ёндашувлар, хорижий давлатларда таълим тизимини бошқариш бўйича илғор тажрибалар ва улардан фойдаланиш йўллари тадқиқ қилинган.

Таълим тизимида иқтисодчи кадрлар тайёрлаш вазифалари жамиятнинг иқтисодий хизматлар кўрсатиш талабларига асосан белгиланади. Бир томондан, иқтисодчи мутахассислигини ўз хоҳиш-истаги ва қизиқишидан келиб чиқиб танлаш, иккинчи томондан, иқтисодий билимларни эгаллаш ёки иқтисодчи кадрларга бўлган талабни шакллантиришда давлатнинг ўрни муҳим аҳамиятга эга. Иқтисодчи кадрлар тайёрлаш жараёни таълимнинг мақсад ва вазифалари, усуллари, мазмуни, таълим тизимининг самарадорлигига бевосита боғлиқ. Иқтисодий таълимнинг мақсади мазкур йўналишдаги билимларни чуқур эгаллаган мутахассислар, турли тармоқларда фаолият юритувчи иқтисодчи кадрларни тайёрлаш ёки худудда кадрлар малакали қатламини юзага келтириш орқали жамиятнинг умумий

иқтисодий билим даражасини ошириш ва бошқарувни такомиллаштиришдан иборат.


Таълим тизимида бошқарув тизими хўжалик юритувчи субъектларнинг мақсадга йўналтирилган фаолиятини таъминловчи барча хизматлар, элементлар, тизимлар ва улар орасидаги муносабатлар, шунингдек, жараёнлар мажмуидир (1-расм).



1-расм. Таълим тизимида бошқарув жараёни<sup>5</sup>

Бошқарув жараёни муассаса ва ташкилотлар олдида турган мақсадларга эришиш учун вазифаларни тартибга солиш, мувофиқлаштириш ҳамда ривожлантиришга йўналтирилган алоҳида фаолият турлари мажмуидир<sup>6</sup>. Бундай таърифни таълим муассасаларидаги бошқарув жараёнига нисбатан қўллаш учун, аввало, таълим муассасаларининг мақсади нимадан иборат эканлигига алоҳида эътибор қаратиш керак.

Тадқиқотчилар томонидан таълим тизимида малакали иқтисодчи кадрлар тайёрлашни бошқаришнинг назарий асослари ўрганилган. Бошқарув тушунчасига турлича таърифлар берилган. Масалан, иқтисодчи олим Майкл Мескон ушбу тушунчага қуйидагича таъриф беради: «Бошқарув ташкилот мақсадини шакллантириш ва унга эришишни режалаштириш, ташкил қилиш, мотивация ва назоратни ўз ичига олавчи жараёндир»<sup>7</sup>. Таълим муассасаларида менежмент назариясида бўлгани каби бошқарув функциялари асосан қуйидаги туркумларга ажратилади: режалаштириш, ташкил қилиш, мотивация, назорат (2-расм).



2-расм. Таълим соҳасида бошқарув функциялари таснифи<sup>8</sup>

<sup>5</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.


<sup>6</sup> Тебенкин А.В. Методы принятия управленческих решений. Учебник для бакалавров. - М.: Юрайт, 2013. - 572 с.

<sup>7</sup> Мескон М., Альберт М., Хедоури Ф. Основы менеджмента. - М.: Дело, 1997. С. 25.

<sup>8</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Расмдан кўринадики, ушбу функциялар таълим муассасаси бошқарувида, пировард натижада бошқарувга юклатилган мақсадларга эришиш имконини беради.

Мамлакатимиз аҳолисининг йил сайин иқтисодий билимларни эгаллашга эҳтиёжлари табиий равишда ортиб бормоқда. Бунда иқтисодчи кадрларни тайёрлаш жараёни нафақат давлатнинг таълим ва бандлик сиёсатини шакллантирувчи институтлар, балки иқтисодчи кадрларни тайёрлашчи таълим муассасалари, яъни, ихтисослаштирилган университетлар, институтлар, ўрта махсус касб-хунар таълим муассасаси, малака ошириш ва қайта тайёрлаш муассасалари, шу билан бирга бошланғич иқтисодий тушунчаларни шакллантиришга хизмат қилувчи умумий ўрта таълим муассасаларини ҳам ўз ичига қамраб олади (3-расм).



3-расм. Таълим тизимида иқтисодчи кадрлар тайёрлаш жараёни<sup>9</sup>

Юқоридаги расмдан кўринадики, бирламчи иқтисодий тушунчани шакллантиришга хизмат қилувчи институтлар қаторига бошланғич ҳамда умумий ўрта таълим муассасалари киритилса, касбга йўналтирувчи таълим муассасалари қаторига ЎМКХТ ва ОТМларини киритиш лозим. Олий таълимдан кейинги таълимга эса илмий салоҳиятнинг энг юқори поғонаси ҳисобланган иқтисодчи олимларни тайёрлаш ҳамда таълимни меҳнат бозори талаблари билан уйғунлаштиришга хизмат қилувчи кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтларини киритиш назарда тутилган.

<sup>9</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Фикримизча, таълим тизимида иқтисодчи кадрларни тайёрлашнинг бошқарув самарадорлиги – бу, бошқарувнинг мақсад ва натижаларидан келиб чиқиб, уларни ўзаро таққослаган ҳолда, бошқарув жараёнининг самарадорлик сифатини белгилайди. Бунда тайёрланаётган иқтисодчи кадрларнинг рақобатбардошлиги ҳамда интеллектуал салоҳияти ошганлигини инобатга олиш лозим.

Тадқиқотда таълим тизимида иқтисодчи кадрлар тайёрлашнинг бошқарув механизми самарадорлигини баҳолаш бўйича илғор хорижий тажрибалар ўрганилди. Турли мамлакатлар миллий таълими, ўз моделига эга бўлиб, уларда таълимнинг мақсади, турлари ва давомийлиги ўзаро фарқ қилади. Жаҳон амалиётида ушбу таълим муассасалари таълимнинг турли босқичлари таркибий қисмларини ташкил этади. Мамлакатимиз ҳамда МДХ давлатларида коллежлар ўрта махсус маълумот берувчи таълим муассасалари ҳисобланса, АҚШ ҳамда Европа таълим тизимида бундай муассасалар олий маълумот берувчи таълим муассасалари қаторига киради.

Тадқиқотда таълимнинг кўплаб миллий моделлари қиёсий тадқиқ қилиниб, улар орасидан асосий мезонларга кўра тузилиши бўйича ўзаро фарқ қилувчи қуйидаги жиҳатлари ажратиб кўрсатилди. Хусусан, муайян мамлакат учун аниқ даврда иқтисодий таълим тизимини ривожлантиришнинг асосий мақсадлари ва кутилаётган натижа; давлат ва жамиятнинг иқтисодий таълим тизимини молиялаштиришдаги иқтисодий имкониятлари; таълим тизимида иқтисодчи кадрлар тайёрлашдан кўзланган мақсадларга эришишда фойдаланиладиган восита ва механизмлар. Бизнингча, мазкур мезонлардан ривожланган ва ривожланаётган давлатларнинг фойдаланувчи даражасида маълум фарқлар мавжуд бўлган таълимнинг асосий учта тури: Америка, Европа ва Осиё моделини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Бунда Америка моделига кўра, давлат ва хусусий мактаблар, шунингдек, энг яхши ва ўрта даражадаги олий таълим муассасаларида таълим сифати сезиларли даражада фарқ қилади. Унга кўра ОТМларнинг таълим мазмунини белгилашдаги мустақиллик даражаси юқори ҳисобланади. Давлат бошқарув органлари таълим мазмунини белгилаш жараёнида деярли қатнашмайди.

Европа таълим моделига кўра эса, ўқувчиларга иқтисодий билимларни ўзлаштириш бўйича юқори талабларни қўйиш билан бирга, уларга табиий ва муҳандислик фанлари соҳасида чуқур билимлар беришга аҳамият қаратилади. Европа мамлакатларида ўқув юртларини бошқаришда академик доиралар муҳим ўрин тутади.

Осиё таълим моделига кўра, таълим тизимини молиялаштиришда давлат ва хусусий бизнес иштирок этади. Иқтисодчи кадрлар тайёрлашда таълимни молиялаштириш жараёнларида маҳаллий манбалар умуммиллий манбаларга нисбатан кўпроқ улушни ташкил этади. Таълим жараёнида талабаларга грант ҳамда кредитлар ҳисобидан тўловларни амалга ошириш учун ёрдамчи тизимлар йўлга қўйилган.

Тадқиқот ишида хорижий тажрибаларга асосланиб, келгусида иқтисодиёт йўналишидаги узлуксиз тижорат таълими қуйидагиларни ўз ичига олиши лозимлиги тавсия этилган, яъни, касбгача ўқитиш (иқтисодиёт йўна-

лишидаги ихтисослаштирилган мактаб), ўқувчиларни иқтисодиёт касбига йўналтириш ва руҳий-педагогик диагностика марказлари ёрдамида касб танлаши; ЎМКХТТга ўқишга кириш ва ўқиш шарт-шароитларига мослаштириш мақсадида махсус тайёрлаш; ОТМларида узлуксиз иқтисодий таълимни таъминлаш (бакалаврият, магистратура), маслаҳатлар бериш ва касбга йўналтириш ишларини самарали йўлга қўйиш лозим. Мамлакатимизда иқтисодчи кадрларни тайёрлаш жараёнида иқтисодий мактабларнинг илғор тажрибалари ҳамда уларнинг илмий салоҳиятидан самарали фойдаланган ҳолда таълим тизимини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

**Диссертациянинг «Бухоро вилоятида иқтисодчи кадрлар тайёрлашнинг бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолаш»** деб номланган иккинчи бобида вилоятда иқтисодчи кадрлар тайёрлаш бошқарув механизмининг ҳозирги ҳолати таҳлили, унинг илмий асослари ҳамда кадрлар тайёрлаш тизими бошқарувининг самарадорлигини баҳолаш йўллари ёритилган.

Таҳлилларга кўра, Бухоро вилоятида 80 та касб-хунар коллеж(КХК)лари ва 8 та академик лицей(АЛ)ларни 2008-2009 йилда жами 16824 нафар, 2015-2016 ўқув йилида эса 27066 нафар ўрта маълумотли мутахассис битирган (1-жадвал).

#### 1-жадвал

#### Бухоро вилояти касб-хунар коллежларини битирганлар бандлиги динамикаси<sup>10</sup>


Т/р	Шаҳар ва туманлар	2008-2009 ўқув йили битирувчилар сони	Бандлиги таъминланганлар				2015-2016 ўқув йили битирувчилар сони	Бандлиги таъминланганлар			
			Жами ишга жойлашганлар	Фондда	ОТМ ўқишга кирганлар	Фондда		Жами ишга жойлашганлар	Фондда	ОТМ ўқишга кирганлар	Фондда
1.	Бухоро ш.	6571	4774	73	336	5,1	5744	4923	86,2	228	4,0
2.	Когон ш.	415	381	92	2	0,5	797	792	99,4	32	4,0
3.	Бухоро т.	1018	842	83	47	4,6	1548	1491	96,3	79	5,1
4.	Вобкент т.	860	711	83	24	2,8	1928	1875	97,3	125	6,5
5.	Жондор т.	739	571	77	16	2,2	1849	1672	90,4	77	6,0
6.	Когон т.	343	321	94	3,0	0,9	454	420	92,5	27	6,0
7.	Олот т.	572	394	69	68	11,9	1290	1201	93,1	68	5,3
8.	Пешку т.	1023	800	78	14	3	1894	1568	82,8	110	5,8
9.	Ромитан т.	1290	998	77	41	3,2	1576	1389	88,1	44	2,8
10.	Шофиркон т.	989	829	84	37	3,7	2481	2233	90	77	3,1
11.	Қоракўл т.	786	659	84	1	0,1	2904	2643	91	167	5,7
12.	Қоровулбозор т.	245	217	89	21	8,6	352	351	99,7	19	5,4
13.	Ғиждувон т.	1973	1713	87	41	2,1	4249	3657	86,1	259	6,1
<b>Жами:</b>		<b>16824</b>	<b>13210</b>	<b>79</b>	<b>651</b>	<b>3,9</b>	<b>27066</b>	<b>24243</b>	<b>89,6</b>	<b>1466</b>	<b>5,0</b>

Жадвал маълумотларига кўра, 2008-2009 ўқув йилидаги битирувчиларнинг 13210 нафари, яъни 79,0 фоизи иш билан таъминланган, 3,9 фоизи олий таълим муассасаларига ўқишга кирган. Ушбу кўрсаткичлар 2015-2016 ўқув йилида мос равишда иш билан таъминланганлар 89,6 фоиз ва ОТМларга ўқишга кирганлар 5,0 фоизни ташкил этган.

<sup>10</sup> Бухоро вилояти ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган, 2009-2016 йиллар.

2015-2016 ўқув йилида КХКлари иқтисодиёт йўналишларини: биржа агенти, молиячи, банк иши, менежмент, маркетинг, товаршунослик, бухгалтерия ҳисоби, суғурта агенти ҳамда солиққа тортиш бўйича мавжуд талабларни қондиришда рақобатбардош кадрлар мутахассисликлари бўйича жами 2158 нафар иқтисодчи кадрлар битириб чиққан. Шундан 1574 нафари ёки 73,0 фоизнинг бандлиги таъминланган. 173 нафари ёки 8,0 фоизи ОТМларга ўқишга кирган, Бухоро вилояти ОТМларини 2014-2016 йилларда 706 нафар иқтисодчи кадрлар битирган бўлиб, уларнинг бугунги кунда 87,1 фоизи иш билан таъминланган, шундан 76,3 фоизи ўз соҳасида фаолият юритмоқда.

Тадқиқотда таълим муассасаларида бошқарув жараёни самарадорлигига таъсир этувчи омиллар тадқиқ этилиб, SMART усули ёрдамида кафедралар рейтингини аниқлаш методикаси таклиф этилган ва унинг негизида бошқарув жараёни самарадорлигини баҳолаш усуллари асосланган. Унинг натижада таълим тизимида иқтисодчи кадрлар тайёрлаш жараёнларини самарали бошқаришни ифодаловчи интеграл баҳолаш кўрсаткичлари тизими ишлаб чиқилган. Келтирилган ушбу кўрсаткичлар доирасида таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш талаб этилиб, уларнинг фаолият мазмунидан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир кўрсаткич бўйича субкўрсаткичлар ажратиб олинди. Бу эса, ўз навбатида, таълим муассасалари фаолиятини кенгроқ ўрганиш ва натижалар аниқлигига эришиш имконини берди. Қўйилган мақсадга кўра, аввало, танлаб олинган кўрсаткичлар бўйича баҳолаш мезони белгилаб олинди ҳамда ушбу фаолият бўйича экспертлар гуруҳи тузилди (4-расм).



4-расм. Таълим муассасаси самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари<sup>11</sup>

<sup>11</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Тадқиқотда қўйилган мақсадга эришиш учун Бухоро давлат университети (БухДУ) ва Бухоро муҳандислик-технология институти(БухМТИ)да қайд этилган кўрсаткичлар доирасида амалга оширилган ишлар 100 балли шкалада белгилаб олиниб, 12 нафар эксперт ёрдамида ечими аниқланиши лозим бўлган амалий масала қарорлар матрицаси кўринишида таҳлил қилинди.

SMART усули бўйича 10 та босқичда БухДУ ва БухМТИлари иқтисодиёт, туризм ва менежмент кафедраларининг 2012-2013 ўқув йили ҳамда 2016-2017 ўқув йилларидаги фаолияти 6 мезон шаклида (K1, K2, ..., K6), жами 37 та субмезон (K1.1, K1.2, ..., K6.3)лар бўйича олинган кўрсаткичлар орқали 12 нафар эксперт томонидан ҳар бир йил учун улар фаолиятининг самарадорлиги аниқланди.

Тадқиқот натижасига кўра, энг юқори устунлик даражасига эга бўлган икки нафар эксперт (0,95), 3-8 гача бўлган ўртача даражани қайд этди (0,85) ва экспертларнинг нисбатан пастроқ устунликка эга эканлиги аниқланди ва 6 мезон 100 фоиз муҳимлик даражаси бўйича тақсимланиб, мезонларга мос субкўрсаткичларнинг муҳимлик даражасини аниқлаш учун 100 баллик тизимда баҳоланди.

Таққосланаётган олдинги йилларда ҳам шундай ҳолат кузатилган. Асосан охириги йиллардаги ўзгаришлар илмий салоҳият, ўқув-методик фаолият ҳамда илмий тадқиқотлар йўналишларида кузатилмоқда. Қолган кўрсаткичлар қарийб ўзгаришсиз қолмоқда. Тадқиқот натижасида олинган маълумотларнинг танланган йиллар бўйича йиғма жадвали қуйидагича акс этади (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Бухоро вилояти олий таълим муассасаларида иқтисодчи кадрлар тайёрлашнинг бошқарув самарадорлиги<sup>12</sup>

Кафедралар номи	2012-2013 ўқув йили	2013-2014 ўқув йили	2014-2015 ўқув йили	2015-2016 ўқув йили	2016-2017 ўқув йили	2012-2013 ўқув йили ва 2016-2017 ўқув йилларининг фарқи (+,-)
Иқтисод	0,25	0,25	0,24	0,23	0,30	0,05
Туризм	0,27	0,29	0,33	0,30	0,32	0,05
Менежмент	0,44	0,40	0,34	0,45	0,38	-0,06


Таълим тизимида иқтисодиёт йўналишида иқтисодчи кадрлар тайёрлашда бошқарув фаолиятининг 2012-2013 ўқув йили ҳамда 2016-2017 ўқув йиллари оралиғида иқтисод ва туризм кафедраларининг самарадорлиги 0,05 бирликка ошган. Аммо, менежмент кафедрасининг бошқарув фаолиятида эришилган самарадорлик базис йилларида мос равишда 0,06 бирликка камайган. Бугунги кунда ислохотларнинг изчиллик билан амалга оширилиши ушбу соҳада ўз самарасини бермоқда (5-расм).

Менежмент кафедраси устуворлиги 2016-2017 ўқув йилида 0,38 бирликни ташкил этган бўлиб, Бухоро давлат университети иқтисод кафедраси 0,30 бирликка ҳамда туризм кафедраси эса 0,32 бирликка ошган. Ушбу тақдим этилган SMART усули таълим тизимида иқтисодчи кадрлар тайёрлаш

<sup>12</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



бўйича амалга оширилаётган бошқарув самарадорлигини ички омиллар таъсирида аниқлаш имконини берди.



5-расм. Бухоро вилояти ОТМларида иқтисодчи кадрлар тайёрловчи кафедраларнинг устуворликлари<sup>13</sup>

Таълим муассасалари бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолаш бўйича юқорида таъкидланганидек, турли қараш ва усуллар мавжуд. Таълим муассасалари бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолаш фақат бошқарувга доир кўрсаткичлар ёрдамида амалга оширилиши ҳамда бошқарув самарадорлиги таълим муассасаларидаги педагогик жараёнларнинг ўзгариш динамикаси, ресурслар натижавийлиги, ўтказилаётган ислохотларнинг ҳар бир шахс учун таъсир даражасига боғлиқ.

Тадқиқот натижаларига кўра, таълим муассасалари бошқарув фаолияти самарадорлигини Бухоро вилояти касб-хунар коллеж (КХК)лари иқтисодиёт таълим йўналишлари битирувчиларининг бандлиги ва вилоят ялпи ҳудудий маҳсулоти(ЯХМ)да улуши ортиши билан белгилаш таълим тизимининг ривожланиши, бошқарув самарадорлиги ҳамда келгуси нуфузини баҳолаш имконини беради.

Бунда Бухоро вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида иқтисодиётда фаол аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот -  $Y$ , жами битирувчиларнинг ишга жойлашганлари сони -  $X_1$  ва олий таълим муассасаларига кирганлар сони -  $X_2$  ўртасидаги корреляцион-регрессион таҳлил амалга оширилди.

Танланган омилларнинг ўзаро ўзгаришлари характерига боғлиқ ҳолда тўғри чизиқли  $\bar{y}_t = a_0 + a_1 t$  ва иккинчи тартибли парабола  $\bar{y}_t = a_0 + a_1 t + a_2 t^2$  тенгламаларидан фойдаланилди, бунда  $a_0, a_1, a_2$  – параметрлар;  $t$  – йиллар.

Амалга оширилган ҳисоб-китоб натижаларига кўра қуйидаги тўғри чизиқли тенгламага эга бўлинди:

$$\bar{X}_1 = 940,1 + 114,6 * t \quad (1)$$

1-тенгламага кўра, иқтисодий йўналишдаги битирувчиларнинг ишга жойлашганлар сонидagi текисланган динамика қатори бандлар сонининг йиллик 114,6 бирликка ошиш имконини берди.

Юқорида келтирилган маълумотлар асосида иқтисодий йўналишдаги касб-хунар коллежлари битирувчилари динамик ўзгаришини ифодаловчи парабола тенгламаси қуйидаги кўринишга эга бўлди:

<sup>13</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

$$\bar{X}_1 = 1281,3 + 24,9 * t + 7,507 * t^2 \quad (2)$$

Юқоридаги 2 та регрессия тенгламалари асосида омилларнинг вақтга боғлиқ ўзгариши ва ҳақиқатдаги фарқлари ҳисоб-китоби амалга оширилди ва 3-жадвалда ўз ифодасини топди.

### 3-жадвал

#### Бухоро вилоятида иқтисодий йўналишдаги КХК битирувчилар динамикасининг турли тенгламалар бўйича ҳисоб-китоби<sup>14</sup>

Йиллар	Ишга жойлашганлар $X_1$ ,	Йиллар рақами, $t$	Ўртача уч йиллик	Тўғри чизикли тенглама бўйича	$(\bar{X}_t - X_t)^2$	Квадрат тенглама бўйича	$(\bar{X}_t - X_t)^2$
А	1	2	3	4	5	6	7
2007-2008	412	1	-	1054,7	413063,3	1313,7	813062,9
2008-2009	676	2	941	1169,3	243344,9	1361,1	469362,0
2009-2010	1734	3	1427	1283,9	202590,0	1423,5	96410,3
2010-2011	1872	4	1898	1398,5	224202,3	1500,9	137715,2
2011-2012	2089	5	1964	1513,1	331660,8	1593,3	245718,5
2012-2013	1931	6	1973	1627,7	91990,9	1700,7	53038,1
2013-2014	1898	7	1824	1742,3	24242,5	1823,1	5610,0
2014-2015	1643	8	1705	1856,9	45753,2	1960,5	100806,3
2015-2016	1574	9	1697	1971,5	158006,3	2112,9	290413,2
2016-2017	1874	10	-	2086,1	45156,3	2280,3	165404,9
Жами	15703	55	-	15704,0	1780010,3	17070,0	2377541,3

Жадвалдан кўринадики, омилларнинг ўзаро боғланишини тўғри чизикли тенглама парабола тенгласига нисбатан яхшироқ ифодалайди.

Тадқиқот натижаларга кўра,  $R^2=0,872$  иқтисодиётда фаол аҳоли жон бошига нисбатан ЯХМ, ишга жойлашганлар сони ўзгарувчанлигига боғлиқлиги 87,2 фоизга тенг. Фишернинг F-мезонининг ҳисобланган қиймати  $F_{ҳисоб}=5,1529$  жадвал қийматидан  $F_{жад}=3,39$  катта бўлган учун регрессия тенгласи ўринли. Шунингдек, Стьюдентнинг t-мезони ҳам  $t_y=1,874$ ,  $t_{x1}=2,48$  бўлиб,  $t_{жад}=1,833$  дан катта ва қуйидаги регрессия тенгласи ўринли:

$$Y = 3593,25 + 2,32 * X_1 \quad (3)$$

Бу ерда,  $Y$  - иқтисодиётда фаол аҳоли жон бошига нисбатан ЯХМ;  $X_1$  - ишга жойлашган битирувчи сони.

3-тенгламага кўра, ишга жойлашган битирувчилар сонининг бир бирликка ошиши иқтисодиётда фаол аҳоли жон бошига нисбатан ЯХМни 2,32 бирликка ёки  $2,32 * 10449 = 24241,68$  минг сўмга ошишини кўрсатди.

Тадқиқотда ОТМга ўқишга кирганларнинг вақтга боғлиқ регрессия тенгласи учун  $R^2=0,96773$  бўлиб, ОТМга ўқишга кирганлар сонининг вақт ўзгарувчанлигига боғлиқлиги 96,8 фоизга тенг. Фишернинг F мезони эса 5,736 га тенг бўлиб, жадвалдаги 3,39 қийматидан катта ва регрессия тенгласи ўринли, Стьюдентнинг t-мезони  $t_{x1}=2,778$ ,  $t_{x2}=2,395$  бўлиб,  $t_{жад}=1,833$ , дан катта ва қуйидаги регрессия тенгласи ишончли деб топилди.

$$X_2 = 107,13 + 9,3 * t \quad (4)$$

<sup>14</sup> Муаллиф ҳисоб-китоблари.

Тадқиқотда ҳар икки тенгламаларнинг вақтга боғлиқ ўзгариш қийматларини (1)-тенгламага қўйиб, кўп омилли прогноз амалга оширилди.

#### 4-жадвал

### Бухоро вилоятидаги иқтисодий йўналиш бўйича КХК битирувчиларининг ишга жойлашиш ва ОТМга кириши прогнози

Ўқув йиллари	Иқтисодиётда фаол аҳоли жон бошига нисбатан ЯХМ-У, минг сўм	Ишга жойлашганлар-Х1, нафар	ОТМга ўқишга кирганлар-Х2, нафар
2017-2018	12758,6	1959	209
2018-2019	13139,3	2051	219
2019-2020	13520,0	2144	228
2020-2021	13900,6	2236	237
2021-2022	14281,3	2329	247

Тадқиқот натижаларига кўра, 2021-2022 ўқув йилига бориб, Бухоро вилоятида иқтисодиётда фаол аҳоли жон бошига нисбатан ЯХМ 14281,3 минг сўмга, КХК битирувчиларининг ишга жойлашганлар 18,9 фоизга ва ОТМга ўқишга кирганлар 18,2 фоизга ошиши кутилмоқда.


